O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2018 yil "27" МАРТ № 148 Farg'ona shahri

**Бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 17-сон, 131-модда.) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги "Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш заҳираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 445-сонли Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 614-модда.) қарорига мувофиқ ҳамда вилоят Молия бош бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармасининг бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш бўйича вилоят ҳокимлигига киритган қўшма таклифини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорининг 4-бандига мувофиқ вилоят ҳокимлигига ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси юклатилганлиги инобатга олинсин.

2. Вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш бўйича Молия бош бошқармасининг 2018 йил 22 февралдаги СЖ/10-06/397-сонли ҳамда вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2018 йил 22 февралдаги 04-31-сонли қўшма таклифи маъқуллансин.

3. Мазкур қарор билан:

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар қийматининг миқдорлари 1-иловага мувофиқ,

Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Фарғона вилояти Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси (Э.Ибрагимов) вилоят худудидаги бозорлар ва савдо комплексларининг раҳбарлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини бозорлар ва савдо комплексларига кириладиган барча ҳудудларга жойлаштирилишини таъминласин.

5. Вилоят Давлат Солиқ бошқармаси (Х.Хабибидинов), Молия Бош бошқармаси (С.Жўраев) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ундирилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатсинлар;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган жисмоний шахсларни белгиланган тартибда аниқласинлар ҳамда уларни солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйишни таъминласинлар;

ҳар ой якуни билан бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ҳисобидан маҳаллий бюджетга тушадиган маблағларни ҳисобини юритсинлар, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсинлар.

6. Вилоят ҳокимлиги "Компьютерлаштириш маркази" ДУК (С.Махмудов) мазкур қарорга асосан вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

7. "Фарғона ҳақиқати" (Тешабоев) ва "Ферганская правда" (Саидганиева) газеталари Бош муҳаррирларига мазкур қарорни матбуотда расман эълон қилиш, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш тавсия этилсин.

8. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарор қабул қилинганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокимининг 2016 йил 2 апрелдаги "Вилоят ҳудудидаги бозорларда бир марталик ва пуллик хизмат тўловларини янги миқдорини белгилаш тўғрисида"ги 113-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYAT HOKIMIYATI BAYON QISMI — **Ш. Ғаниев**

Фарғона вилояти ҳокимининг
2018 йил "27" мартдаги
"148"-сонли қарорига
1-илова

**Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар қийматининг миқдорлари**

*(сўм ҳисобида)*

| № | Бир марталик йиғим олинадиган объектлар | Ўлчов бирлиги | Тўлов миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Шаҳарларда | Туманларда |
| | **1. Бир марталик йиғим.** | | | |
| 1 | Юк автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун | Ҳар бир машинага | 11500 | 9500 |
| 2 | Енгил автомашинасида маҳсулот сотганлиги учун | Ҳар бир машинага | 9000 | 7000 |
| 3 | Аравачаларда сотганлиги учун | Ҳар бир аравачадан | 2 500 | 2 000 |
| 4 | Маҳсулотларни ерда сотиш | 6 кв метргача | 4 500 | 2 500 |
| 5 | Супурги, исириқ сотувчилардан | 1м2 | 4 000 | 3 000 |
| 6 | Гуруч, гречка сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 5 000 |
| 7 | Дон маҳсулоти мош, ловия, жувари сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 4 000 |
| 8 | Дон маҳсулоти макка, буғдой, арпа сотувчилардан | 1м2 | 4 500 | 3 500 |
| 9 | Хўл мевалар узум, олма, анор, нок, хурмо ва бошқа турдаги мева сотувчилардан: | | | |
| | декабрь-май ойларида | 1м2 | 8 500 | 7 000 |
| | июнь-сентябрь ойларида | 1м2 | 4 000 | 3 000 |
| | октябрь-ноябрь ойларида | 1м2 | 7 000 | 6 000 |
| 10 | Бошқа мева сотувчилардан | 1м2 | 4 000 | 3 000 |
| 11 | Цитрус ва тропик мева (банан, апелсин, мандарин, лимон, ананас, киви каби) сотувчилардан | 1м2 | 12 000 | 9 000 |
| 12 | Малина, қулупнай, гилос сотувчилар | 1м2 | 5 000 | 4 000 |
| 13 | Бодринг, помидорни иссиқ хоналарда етиштирилган маҳсулот сотувчилардан | 1м2 | 7 500 | 7 000 |
| 14 | Бодринг, помидорни сотувчилардан | 1м2 | 4 000 | 3 000 |
| 15 | Сабзавот, сабзи, пиёз сотувчилардан | 1м2 | 3 500 | 3 000 |
| 16 | Сабзавот, турп, шолғом сотувчилар | 1м2 | 3 000 | 2 500 |
| 17 | Карам сотувчилардан | 1м2 | 3 000 | 2 500 |
| 18 | Картошка сотувчилар | 1м2 | 4 500 | 4 000 |
| 19 | Гул сотувчилардан | 6 кв метргача | 6 500 | 5 500 |
| 20 | Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан | 6 м2 гача | 7 500 | 5 500 |
| 21 | Қовун, тарвуз ва бошқа полиз маҳсулотлари сотувчилардан | 6 м2 дан ортиқ | 11 000 | 8 000 |
| 22 | Саноат йўли билан ишлаб чиқарилган озиқ-овқат, кондитер маҳсулотлари, салқин ичимликлар | 1м2 | 6 000 | 4 000 |
| 23 | Тухум сотувчилардан | 1м2 | 4 000 | 3 500 |
| 24 | Сут ва қатиқ сотувчилардан | 1м2 | 3 500 | 3 000 |
| 25 | Қаймоқ,сметана уй пишлоғи сузма сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 4 000 |
| 26 | Зировор ва дориворлар (мурч, нос, уруғлар) сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 4 000 |
| 27 | Асал сотувчилардан | 1м2 | 7 000 | 5 000 |
| 28 | Қуруқ мева сотувчилардан; | | 8 500 | 6 500 |
| 29 | Тузлама ва салат сотувчилар учун | 1м2 | 6 500 | 5 500 |
| 30 | Мавсумий нишолда сотувчилардан | бир савдо ўрнига | 5 000 | 5 000 |
| 31 | Дудланган колбаса ва чўчқа ёғи (бекон. шпик) сотувчилардан | 1,5м2 | 10 500 | 8 000 |

| № | Бир марталик йиғим олинадиган объектлар | Ўлчов бирлиги | Тўлов миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Шаҳарларда | Туманларда |
| 32 | Тирик балиқ ва балиқ маҳсулоти сотувчилардан | 1м2 | 10 500 | 7 500 |
| 33 | Аквариум балиқлари сотувчилардан | битта ўринга | 4 500 | 3 000 |
| 34 | Кўкат сотувчилардан | 1м2 | 3 000 | 2 500 |
| 35 | Иссиқхоналарда етиштирилган кўкат сотувчилардан | 1м2 | 4 000 | 3 000 |
| 36 | Кўчат (бодринг, помидор, болгар қалампири, райхон, карам, гул) сотувчилардан | 1м2 | 4 000 | 3 500 |
| 37 | Мевали дарахт ва терак кўчатлари сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 3 500 |
| 38 | Оби нон сотувчилардан | 1м2 | 3 500 | 2 500 |
| 39 | Ёғли патир нон сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 4 000 |
| 40 | Уй шароитида тайёрланган (торт, булочка, пирог, ва бошқалар | 1м2 | 4 000 | 3 500 |
| 41 | Гўшт сотувчилардан мулкчилик шаклидан қатъий назар | 1 савдо ўрнига | 13 500 | 12 500 |
| 42 | Пакет сотувчилардан | 1м2 | 5 000 | 4 000 |
| 43 | От, той, туя | Ҳар бир бошига | 12 500 | 12 000 |
| | бўталоқ, эшак | Ҳар бир бошига | 7 500 | 7 500 |
| | йирик шохли қорамол (шу жумладан сигир бузоғи билан) | Ҳар бир бошига | 12500 | 12000 |
| | бузоқ | Ҳар бир бошига | 9000 | 9000 |
| 44 | Майда шохли хайвонлар (қўй, эчки) | Ҳар бир бошига | 6500 | 6500 |
| | уларнинг болалари (қўзичоқ ва улоқча) | Ҳар бир бошига | 4500 | 4500 |
| 45 | Товуқ ва курка сотувчилардан | Ҳар бир бошига | 1500 | 1500 |
| | Жўжа, кабутар сотувчилардан | Ҳар ўн дона бошга | 1000 | 1000 |
| 46 | Ғоз, ўрдак, қуён, сотувчилардан | Ҳар бир бошига | 1200 | 1200 |
| 47 | Декоратив қуш сотувчилардан | 1м2 | 4500 | 2500 |
| 48 | Декоратив қуш ва балиқларнинг емиш овқатлари сотувчилардан | 1м2 | 4500 | 2500 |
| 49 | Ит сотувчилардан | биттаси | 4500 | 3000 |
| | Кучук сотувчилардан | биттаси | 4500 | 3000 |
| 50 | Қуруқ хашаклар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан | битта прицеп учун | 23000 | 16000 |
| | Қуруқ хашаклар (похол, сомонлар, ер-ёнғоқ пояси) сотувчилардан | битта арава учун | 9000 | 7000 |
| 51 | Тижорат йўли билан келтирилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун | 1 м2 | 5000 | 4000 |
| 52 | Тайёр кийимлар,газламалар,ўрин тўшак жиҳозлари | 1м2 | 4000 | 3500 |
| 53 | Атторлик (галантерия) маҳсулоти сотувчилардан | 1м2 | 4000 | 3500 |
| 54 | Палас, гилам, шолча сотувчилардан | 6м2 | 7000 | 6500 |
| 55 | Эски кийим ва уй-рўзғор сотувчилардан | 2м2 | 3360 | 2640 |
| 56 | Эски уй-рўзғор техника буюмлари сотувчилардан | биттаси учун | 4000 | 4000 |
| 57 | Мебель жиҳозлари (ҳар 6 кв.метр) | бир савдо ўрин | 8000 | 5000 |
| 58 | Хунармандчилик ва ҳалқ истеъмол моллари сотувчилардан, жумладдан майда хунармандчилик маҳсулотлари (ўроқ,теша,болта, болта, кетмон,пичоқ ва бошқалар) учун. | 6 кв.метргача | 5000 | 4500 |
| 59 | Йиғчилик маҳсулоотлари (жува,чекич,элак ва бошқалар)учун | 2м2 | 4500 | 3000 |
| 60 | Миллий кийим тикиб сотувчилардан | 1м2 | 2500 | 2500 |
| 61 | Дўппи сотувчилардан | 1м2 | 3000 | 2500 |
| 62 | Косиблик ва кунчилик маҳсулоти сотувчилардан | 1 ўринга | 4000 | 3000 |
| 63 | Қўлда сотиб юрганлардан | Ҳар бир сотувчидан | 2500 | 2000 |

| № | Бир марталик йиғим олинадиган объектлар | Ўлчов бирлиги | Тўлов миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Шаҳарларда | Туманларда |
| 64 | Арқон сотувчилардан | Ҳар бир сотувчидан | 3000 | 2500 |
| 65 | Эшик, ром сотувчилардан | 10м2 | 5000 | 5000 |
| 66 | Эски эшик, ром сотувчилардан | 10м2 | 4000 | 3500 |
| 67 | Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан | 20м2 | 8000 | 7500 |
| 68 | Ёғоч, тахта, рейка сотувчилардан | 30м2 | 11000 | 9500 |
| 69 | Махаллий терак сотувчилардан | 30м2 | 7500 | 7000 |
| 70 | Дарвоза сотувчилардан | 10м2 | 13500 | 13500 |
| 71 | Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан | 5м2 | 5000 | 5000 |
| | Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан | 15м2 | 7000 | 7000 |
| | Янги метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан | 30м2 | 13000 | 13000 |
| 72 | Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан | 5м2 | 3500 | 3000 |
| | Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан | 15м2 | 5000 | 5000 |
| | Эски метал, қувур, бурчак, арматура ва сим сотувчилардан | 30м2 | 9500 | 9500 |
| 73 | Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан | 5 кв.м.гача | 4000 | 3500 |
| | Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан | 15 кв.м.гача | 5000 | 4500 |
| | Янги бўёқ, мих ва бошқа хўжалик маҳсулотлари сотувчилардан | 30 кв.м.гача | 10000 | 10000 |
| 74 | Фанера ДСП, ДВП сотувчилардан | 6м2 | 8000 | 8000 |
| 75 | Рухланган тунука, шифер сотувчилардан | 4м2 | 7000 | 7000 |
| 76 | Охак, цемент, бўр, крошка, битум, рубероид сотувчилардан | 4м2 | 4000 | 3500 |
| 77 | Пишган янги ғишт сотувчилардан | 6м2 | 9000 | 9000 |
| 78 | Пишган эски ғишт сотувчилардан | 6м2 | 7500 | 7500 |
| 79 | Хом ғишт сотувчилардан | бир юк машинасига | 9500 | 6500 |
| 80 | Шағал, қум, тош сотувчилардан | бир юк машинасига | 9500 | 7500 |
| 81 | GM-Ўзбекистон (УзДЭУавто) ва хорижда ишлаб чиқарилган енгил автомашиналар сотганлар учун | бир донаси | 22000 | 22000 |
| 82 | МДХ (СНГ) давлатларида ишлаб чикарилган автомашиналар сотганлар учун | бир донаси | 19000 | 19000 |
| 83 | Юк кутарувчи автомашиналарини сотганлар учун | бир донаси | 22500 | 22500 |
| 84 | Бошқа транспорт (мотоцикл, аравали мотоцикл, мотороллер) воситалар сотганлар учун | бир донаси | 5000 | 5000 |
| 85 | Велосипед, моторли велосипед, мопедлар сотганлар учун | бир донаси | 4000 | 3500 |
| 86 | Эхтиёт қисмлар сотганлар учун | | 0 | 0 |
| | автомобил эҳтиёт қисмлар сотганлар учун | 2м2 | 5500 | 5500 |
| | Янги автошина сотганлар учун | 2м2 | 9000 | 7500 |
| | Эски автошина сотганлар учун | 2м2 | 6000 | 5000 |
| | Бошқа эхтиёт қисмлари сотувчилар учун | 2м2 | 4500 | 4000 |
| 87 | Миллий таом тайёрлаб сотувчилардан | 1 ўрингa / бир кунга | 7500 | 6500 |
| 88 | Чархчилик хизмати, пойафзал таъмирлаш хизмати курсатганлар учун | Битта ўрнига | 3000 | 2500 |
| 89 | Маҳсулотларни бозорлардан сотиб олинганлигини тасдиқловчи маълумотнома ёзиб бериш учун; | | | |

| № | Бир марталик йиғим олинадиган объектлар | Ўлчов бирлиги | Тўлов миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Шаҳарларда | Туманларда |
| | а) 100 минг сўмликкача бўлса | | 8500 | 8500 |
| | б) 100 минг сўмдан 500 минг сўмгача | | 13500 | 13500 |
| | в) 500 минг сумдан ортиги учун ҳар 500 минг сўм учун | | 22000 | 22000 |

**ЭСЛАТМА:**

1. Савдо жойи учун ижара хаққи ҳар ойнинг 15 санасига қадар тўланади.

2. Бозорда 5 кг гача бўлган тез бузиладиган мева ва сабзавот маҳсулотларидан йиғим олинмайди.

3. Ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотувчиси Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларидан, шахсий нафақа олувчилардан тасдиқловчи хужжати мавжуд бўлганда бир марталик патта йиғими олинмайди.

4. Ўзбекистон қахрамонлари, қахрамон оналар, иккинчи жахон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар шахсий автомашиналарини сотганларида тасдиқловчи хужжатини тақдим қилганда бир марталик патта йиғими олинмайди.

5. Республика ҳудудида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан бир қаторда импорт товарлари сотилса, жой хақи импорт товарларга белгиланган миқдорларда ундирилади.

6. Юқорида номи чиқмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун бир марталик йиғим олишда хар бир қопи ёки идиши учун шу маҳсулот бир кг.нинг бозордаги ўша кунги нархи миқдорида хақ олинади.

7. Бозорлар ҳудудида шахсий тарозидан фойдаланиш таъқиқланади.

8. Транспорт воситалари фақат белгиланган жойда туради.

Фарғона вилояти ҳокимининг
2018 йил "27" мартдаги
"148"-сонли қарорига
2-илова

**Фарғона вилояти ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириб олинадиган ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари**

*(сўм ҳисобида)*

| № | Пуллик хизмат кўрсатиш турлари | Ўлчов бирлиги | Тўлов миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Шаҳарларда | Туманларда |
| | **2. Пуллик хизмат.** | | | |
| 1 | **Бозорлар ва савдо комплекслари балансидаги бино, иншоот ва бошка мол-мулкдан фойдаланганлик учун ойлик ижара тўлови** | | | |
| | Ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиш | 1 кв.м/ойига | 18500 | 10500 |
| | Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш | 1 кв.м/ойига | 16500 | 9000 |
| | Умумий овқатланиш | 1 кв.м/ойига | 18000 | 10000 |
| | Маиший хизмат кўрсатиш | 1 кв.м/ойига | 8000 | 6000 |
| | Бошқа турлар (Омбор, офис, дорихона, пайнет ва ҳ.к) | 1 кв.м/ойига | 8500 | 6500 |
| 2 | Тарозидан фойдаланганлиги учун (тош, тарози, палла) | 1 кунга | 2500 | 2500 |
| | катта тарози 150 кг гача | 1 кунга | 2000 | 1500 |
| | 150 кгдан 1500 кг гача | 1 кунга | 8500 | 7500 |
| 3 | маҳсулотларни ёпиш учун брезент берилса | битта брезент | 2500 | 2500 |
| 4 | Юк ташиш аравачаси (бир кунга) | битта аравача | 5000 | 4500 |
| 5 | Реклама жойлаштиришга ажратилган ер майдонларидан фойдаланганлиги учун (1 м.кв) | 1 кунга | 1500 | 1000 |
| 6 | Товар тарозисида маҳсулотларни тортиб берилса | ҳар бир тортишга | 2000 | 1500 |
| 7 | Савдо инвентарлари берилса (паднос, сават, пичоқ, табуретка, варонка ва бошқа) ҳар бири учун | бир кунга | 1200 | 900 |
| 8 | Махсус уст бошдан фойдаланганлиги учун (ҳар бир кунга) | 1 кунга | | |
| | Халатдан, курткадан | ҳар биттаси учун | 1000 | 1000 |
| | Этакдан, енгичадан | ҳар биттаси учун | 900 | 900 |
| 9 | Бозорлар ва савдо комплексларида махсулотларни сақлаш учун | | | |
| | совуткичларда (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун) | 1 кунга | 3000 | 3000 |
| | омборхоналарда, саклаш камераларида (ҳар бир яшик, коп ва х.к. учун) | 1 кунга | 2000 | 2000 |
| | Бозор худудидаги расталарда ва очик жойларда (савдо ўрни хисобидан) | 1 кунга | 1700 | 1700 |
| 10 | Буюмларни омборларда сақлаш (бир 50x50x100 ўлчамдаги жой учун) | 1 кунга | 1600 | 1200 |
| 11 | Реклама учун радиоузелдан файдаланиш | 3 маротаба такрор | 1200 | 1200 |
| 12 | Карвонсаройдан фойдаланганлиги учун | | | |
| | майда шохли хайвонлар учун | бир бошига | 1300 | 1300 |
| | йирик шохли хайвонлар учун | бир бошига | 1800 | 1800 |
| | автомашиналар учун бир кунга | бир жойга | 1800 | 1800 |
| | юкли автомашиналар тунда юки билан қолгани учун | ҳар бир машинага | 2400 | 2400 |
| | маҳсулот сақлаш учун ўрнатилган сандиқлар учун (ҳар бирига) | бир кунига | 2300 | 2300 |
| 13 | Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун: | ҳар бир соатига | | |
| | енгил автомашиналар учун | 1 соатга | 1100 | 900 |
| | юк автомашиналар учун | 1 соатга | 1200 | 1000 |
| | велосипедлар сақлаш учун | 1 соатга | 900 | 600 |

| № | Пуллик хизмат кўрсатиш турлари | Ўлчов бирлиги | Тўлов миқдори | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Шаҳарларда | Туманларда |
| 14 | Хожатхонага кириш киши бошига | бир кишига | 500 | 500 |
| 15 | Мехмонхонада, карвонсаройда тунаб қолиш учун | бир кишига | 6000 | 5000 |
| 16 | Умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлаклар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ер ости ва ер усти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий худудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзоват махсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари)* | 1 кв.м/ойига | 8000 | 5500 |

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сонли қарорига мувофиқ кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Ушбу хизматлар бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино ва иншоотлар мулкдорларига кўрсатилади ҳамда улар учун кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан бино ва иншоотлар мулкдорлари ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ ҳақ тўланади.Бунда маиший ва мева-сабзовот маҳсулотларининг чиқиндиларрини йиғиш ва олиб чиқиш хизматлари учун бино ваиншоотлар мулкдорлари томонидан мазкур турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотларга қўшимча тўловлар амалга оширилмайди .

**Изоҳ:**

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинганда, бир жой (савдо ўрни) ўлчами 1-1,2 погон метр деб белгиланади ва шу ўлчамдан ортиқ ўрин учун қўшимча равишда ҳар бир савдо ўрни учун белгиланган тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари аралаш ҳолда сотилганда, тўлов сотиладиган маҳсулот турлари бўйича белгиланган энг юқори ставка бўйича ундирилади.

3. Белгилланган ижара тўловлари Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслардан тасдиқланган иш кунига хисобланади белгиланган тўлов миқдорлари иш кунлари хисоби буйича ундирилади.

4. Бозорлар ва савдо комплекслари мухум қурилган бино, иншоот ва бошка мол-мулкдан фойдаланганлик учун 1-қаватдан белгиланган патта ставкасини 100 фоиз, 2-қаватдан 50 фоиз, 3-қавватдан 30 фоиз ва ертула қисмидан 70 фоиз тўлов миқдорида жой ҳақи ундирилади .